

PECULIARITIES OF THE CONCEPTS OF NATIONAL INTEREST AND NEED

Kholmiraeva Manzura Abdimurotovna

Lecturer at Termez State University

Today, when it comes to ensuring the national interests of the people of independent Uzbekistan and protecting their ideological security, first of all, a group of Uzbek scholars prepared a book entitled “National Interests and Management Responsibilities. The Principles of Awareness and Vigilance: “Changing the objects of interest is to bring them closer to the needs of the social subject, that is, to call people to active action in transforming existence. That is why interest acts as a motive for human activity interest arises in the process of practical activity of people and under its influence acts as a necessary link in the transition of objective and subjective things.

МИЛЛИЙ МАНФААТ ВА ЭХТИЁЖ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Холмирзаева Манзура Абдимуротовна

Термиз давлат университети ўқитувчиси

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон халқининг миллий манфаатларини таъминлаш борасида, уларнинг ғоявий-мафкуравий хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳақида гап борар экан, авваломбор бир гуруҳ ўзбек олимлари томонидан тайёрланган “Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Огоҳлик ва ҳушёрлик тамойиллари” номли китобдаги: “Манфаат борлиқ предметларини ўзгартириш, уларни ижтимоий субъект эҳтиёжларига яқинлаштиришга қараб мўлжал олади, яъни одамларни борлиқни ўзгартириш бўйича онгли фаолиятга даъват этувчи фаол куч сифатида амал қилади. Айни шу сабабли манфаат одамлар фаолиятининг мотиви сифатида амал қилади..... манфаатлар одамларнинг амалий фаолияти жараёнида юзага келади ва унинг таъсирида объектив ва субъектив нарсаларнинг бири-бирига ўтишида зарур боғловчи бўлин вазифасини бажаради. Ижтимоий борлиқнинг онгда акс этиши ҳам, ўзгариши ҳам доим манфаатлар орқали амалга ошади”¹ Х.Ф.Хайдаровнинг “Ислохотлар қонунияти” номли китобида: “Манфаат деганда, биз субъектнинг шарт-шароитга, яъни ўзининг турли эҳтиёжларини қондириши билан боғлиқ бўлган муносабати ва фаолиятининг мажмуини тушунамиз”², – деган хулосага келадилар. Албатта, бу фикрларнинг рационал мағзи жихатидан тўғри бўлсада, бироқ унда фалсафий категория сифатидаги таъриф яққол кўзга ташланмайди.

Бу масалага ойдинлик киритиш учун энг аввало бу сўз қандай луғавий маънони англатишини билиб олиш зарур. Бу хусусда “ Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да: “Манфаат [арабча – фойда, даромад] – бу моддий, маънавий, жисмоний ва бошқа жихатдан (кўриладиган) фойда, наф”³,– деган маъноларни англатади деб ёзилган. Шу сўз асосида “Манфаатдор – бирор ишдан манфаати бор, манфаатли бўлган”, “Манфаатли – манфаати, фойдаси бор; фойдали”, “Манфаатпараст – шахсий манфаатларини кўзловчи”, “Манфаатсизлик - манфаати, фойдаси йўқ, бефойда, фойдасиз”⁴,– деган тушунчалар шакллантирилиб, улар ўзбек халқининг кундалиқ ҳаётидаги тил ва тафаккури тарзидан чуқур жой олган. Албатта, бу луғавий тушунча фалсафий таърифга давогарлик қилмайди. Бироқ, сўзнинг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда, унга қуйидагича кенг ва тор маънода фалсафий

¹ Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Огоҳлик ва ҳушёрлик тамойиллари.– Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи,2008. – Б.12.(456 б.)

² Хайдаров Х.Ф. Ислохотлар қонунияти. – Т.: Ўзбекистон,2010. – Б.49.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.П.– Т.:” Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,2006. – Б.540.(672 б.)

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.П.– Т.:” Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.540.(672 б.)

таъриф бериш мумкин. *Кенг маънода манфаат – бу индивид, шахс, элат, миллат, халқ, давлат ва жамият томонидан мавжуд реалликда вужудга келган зарурий объектив ва субъектив омиллар талабларидан келиб чиққан ҳолда моддий, маънавий, жисмоний ва бошқа жиҳатдан бирор бир фойда, наф кўриш мақсадида амалга ошириладиган фаолиятлар тизимидир. Тор маънода эса манфаат – бу инсоннинг кўзлаган мақсадга мувофиқ тарзда ўз эҳтиёжини қондиришга қаратилган объектга нисбатан қиладиган муносабатларидир.*

Манфаатларни объекти ва субъекти, макон ва замондаги ўрни, фаолият юритиш тартиби, эҳтиёжларининг қондирилиши, ахлокий мазмуни, сиёсатдаги ўрни, жамиятнинг социал структураси ва бошқа жиҳатларига қараб таснифлаш мумкин. Манфаатларни таснифлашдаги асосий мезон бу инсон эҳтиёжини оқилона тарзда қондиришга қаратилган фаолият турлари ётмоғи лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда «инсон манфаати ҳамма нарсдан устун» деган қоида ҳар бир халқпарвар давлатлар сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бунда ушбу жараённинг асосий субъекти бўлган инсонларнинг эҳтиёжларини қондириш масаласи яққол кўзга ташланади. Хўш, шундай экан, эҳтиёж деб нимага айтилади? Бу саволга психолог, файласуф ва иқтисодчи олимлар қуйидагича таъриф берганлар. Масалан, рус психологи олими Д. А. Леонтьев: “Эҳтиёж бу субъект ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатлар тизимидир”⁵, англиялик социолог Д. К. Макклелланд: “Эҳтиёж бу ташки ёки ички воқеликдан субъектнинг ушбу воқеликдан бирон бир асосий нарсани кутишларидан четлашиши натижасидир”⁶, немис психолог олими Курт Левин: “Эҳтиёж - бу одамни муайян ҳаракатларга "ундайдиган" вақтдаги кучайган стресснинг динамик ҳолатидир”⁷, рус психологи Б. И. Додонов: “Эҳтиёжлар бу хулқ-атворнинг асосий дастурлари бўлиб, улар орқали субъектнинг фаолияти (ҳаётий фаолияти) амалга оширилади”⁸, рус санъатшуноси А. В. Монастырский: “Эҳтиёж - бу психиканинг мажбурий субъектив азобланиши, бу барча неврозларнинг асосий сабаби”⁹, ўзбек файласуф олими А.Мухторов: ”Эҳтиёж бу, инсоннинг табиий, физиологик, психологик, моддий-иқтисодий, ҳуқуқий-мафкуравий ҳамда маънавий қондириш ёки рўёбга чиқаришга интилишининг мажмуидир”¹⁰, - деган таъриф ва тавсифлар берилган, Ушбу таърифларнинг барчасида инсоннинг руҳий эҳтиёжлари масаласига кўпроқ эътибор қаратилган.

Онтологик нуқтаи назардан қараганда, барча тирик организмлар яшаш учун ўзларининг эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиладилар. Эҳтиёжлари қондирилмаса у органик воқеликдан аорганик жисмга айланиши муқаррардир. Бу табиат қонунидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, табиат қонуни сифатида *эҳтиёж - бу тирик организмларнинг мавжудлик ва ривожланишининг манбаи бўлган бир қатор фаолият турлари шаклларининг объектив шарт- шароитларига боғлиқлигини ифодаловчи ҳолатидир.* Булар жумласига ўсимликлар, ҳайвонлар, инсонлар фаолият турлари шаклларнинг яшовчанлигини таъминловчи эҳтиёжлар киради.

Ўсимликлар ҳаётининг шакллари минимал даражада бўлиб, уларнинг ҳаётини ташкиллаштириш ва танасини куриб қолишдан сақлаш борасидаги эҳтиёжлари кўп ҳолларда ёруғлик, сув ва минерал каби субстратларга муҳтож бўлади.

Ҳайвонларнинг эҳтиёжлари мураккаброқ бўлиб, унда, аксарият ҳолларда, улардаги эҳтиёжнинг биологик асосини тирик материянинг асосий неъматларини истеъмол қилишдаги инстинктлари - овқатланиш, ухлаш, кўпайиш, қўрқув (ёки у йўқлигида бошқа ҳис-туйғуларни ўрнини босадиган бошқа туйғулар) кабиларнинг кўпайганлик ёки камайганлик даражалари ташкил қилади.

⁵ Леонтьев Д. А. Новые ориентиры понимания личности в психологии: от необходимого к возможному // Вопросы психологии, 2011, № 1. — С. 24;

⁶ Степанов С. С. Дэвид Макклелланд. Школьный психолог, № 12/2004.

⁷ Левин Курд. Теория поля в социальных науках. - М.: Академический Проект, 2019. - С. 74.

⁸ Додонов Б.И. . Потребности, отношения и направленность личности // Вопросы психологии. — 1973. — № 1. — С. 18-28.

⁹ Монастырский А. Эстетические исследования. — Вологда: БМК, Герман Титов, 2009. — 562 с. Andrei Monastyrski: Elementary Poetry. Ugly Duckling Press, NY, 2019.

¹⁰ Мухторов Азамат. Миллий ғоя такомилда эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги. Фалсафа фанлари доктори... дисс. Автореф. – Тошкент, 2011. – Б. 14.

Инсон эҳтиёжлари ҳайвонлар билан умумий бўлган ҳиссий қабуллашдан ташқари, тафаккур тизими - фикрлаш ва нутқ билан ифодаланадиган мураккаб ақлий қобилиятининг мавжудлиги билан белгиланади.

Булардан ташқари баъзи бир тадқиқотчилар ”Эҳтиёж – бу психологик ёки функционал нарсанинг инсонда етишмаслигининг вазият омилларига қараб ўзини намоён қиладиган ички ҳолатидир”¹¹, “Эҳтиёж - бу функционал ёки психологик эҳтиёжнинг бир тури ёки ҳар қандай объект, субъект, шахс, ижтимоий гуруҳ, жамиятда бирон бир нарсанинг етишмаслиги. Бунда эҳтиёжлар тирик организмлар фаолиятининг ички фаоллаштирувчиси сифатида вазиятга қараб ҳар хил кўринишда намоён бўлади”¹², - деган таърифлар ҳам берилган бўлиб, уларда асосан инсоннинг функционал қобилиятини ҳисобга олиш нуктаи назаридан тадқиқ қилиш масаласини ёритишга ҳаракат қилинган.

Фалсафий нуктаи назардан қараганимизда *эҳтиёж – бу барча тирик организмларнинг яшаши, кўпайиши, ривожланиши учун истеъмол этилиши ҳаётий зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлардир.*

Мадомики, инсон тирик табиатнинг гултожи экан, унинг ҳаёт фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳисобга олиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Бунда инсоннинг эҳтиёж ва манфаатларини тўлиқ қондириш масаласини ҳал этиш эса, энг аввало уларни илмий жиҳатдан таснифлаш орқали мақсад-муддаоларини билиш туфайли амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли Альфред Маршалл, Б. И. Додонов, Х.Муррей, К. Хорни, Э. Фромм, А. Н. Леонтьев, Д. Н. Узнадзе, Ж. Нюттен каби олимлар инсон эҳтиёжларининг ўзига хос бўлган таснифлари ишлаб чиққанлар.

Ҳозирги кунда жаҳонда эҳтиёжнинг умум эътироф этилган таснифларидан бирини амеркалик психолог А. Маслоу томонидан иерархик тарзда ишлаб чиқилган "Маслоу эҳтиёжлар пирамидаси" деб номланувчи таснифи ташкил қилади.

А. Маслоунинг фикрича инсоннинг яшаши учун зарур бўлган таянч эҳтиёжлар мавжуд бўлиб, улар бирламчи(туғма) ва иккиламчи (орттирилган) эҳтиёжларга бўлинади. Бунда **бирламчи (туғма) эҳтиёжларга физиологик:** наслини давом эттириш, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, ухлаш ва хордиқ чиқариш ҳамда **экзистенциал:** яшаш учун ўзининг хавфсизлигини таъминлаш, комфорт, кафолатли бандлик, бахтсиз ҳодисалардан страховка қилинганлик, эртанги кунга ишонч ва шу кабилар киради. **Иккиламчи (орттирилган) эҳтиёжларга ижтимоий:** ижтимоий алоқалар, мулоқотлар, бир бирларини тақозо этишлар, ўзаро боғланганлик, бошқа одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ўзига нисбатан ҳам эътиборли бўлиш, биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш; **обрў-эътиборлилик:** ўзини-ўзи эъзозлаши, бошқалардан томонидан ҳурмат қилиш, ишдаги ютуқларини юқори баҳолаш, уни бошқаларнинг эътироф этиши, хизмат пиллапояларидан кўтарилиб бориши; **маънавий:** ўзини ўзи фаоллаштириш; ўзини ўзи ифодалаш, ўзини ўзи намоён этиш, гўзалликни ҳис этиш ва яратиш кабилар киришини баён қилган¹³.

Ўзбекистонлик файласуф олимлардан А.Мухторов: ”инсон эҳтиёжларини: табиий эҳтиёж (инсон индивидуал ҳаёти учун зарур неъматлар); физиологик эҳтиёж (авлод қолдиришга бўлган эҳтиёж); моддий эҳтиёж (оила даромадларининг шакллантириш эҳтиёж); маънавий эҳтиёж (ахлоқий-эстетик дунёқараш, таълим-тарбияни такомиллаштириш эҳтиёжи); сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж (сиёсий билимдонлиги, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш эҳтиёжи)”¹⁴ сифатида таснифлайди ва туркумларга ажратади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, соддароқ қилиб инсон эҳтиёжларини қуйида турларга ажратиш мумкин. Бунда *инсон эҳтиёжларининг таснифи деб уларнинг яшаши, кўпайиши, ривожланиши учун истеъмол этилиши ҳаётий зарур бўлган моддий ва маънавий*

¹¹ Berridge Kent C. Motivation concepts in behavioral neuroscience. Physiology & Behavior 81 (2004) 179—209.

¹² Беляев И. А. Целостность человека в аспекте взаимосвязи его способностей и потребностей : опыт типологизации : автореф. дис. ... докт. филос. наук : защищена 16.02.2012 : утв. 18.10.2012. — Челябинск, 2012. — 55 с.

¹³ Маслоу А. Мотивация и личность. — СПб.: Питер, 2008.- С.34.

¹⁴ Мухторов А. Миллий ғоя ва миллий манфаат. Монография. – Т.:Fan va texnologiya “,2014.- Б.31.

неъматларни фаолият турлари, объекти, кенг қамровлилиги, мақсади, мотивацион омиллари бўйича бир қатор тур ва шаклларга ажратилишга айтилади. Бу эса қуйидагилардан иборат бўлади.

1. **Биологик эҳтиёж** – бу инсоннинг индивид сифатида нормал яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган озиқ-овқатларни истеъмол қилишни, ўй-жойга эга бўлишни, санитар-гигиеник жиҳатдан соғлом, бешикаст бўлишни таъминлашга қаратилган объектив фаолият юритиш турларининг мажмуаси ҳисобланади. Демак, аниқроқ қилиб айтганда бу жараён инсоннинг ўз мавжудлигини сақлаб қолиш истаги бўлмиш озиқ-овқат, кийим-кечак, ухлаш, хавфсизлик, жинсий эҳтиёжни қондириш, энергияни тежаш ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлади.

2. **Ижтимоий эҳтиёж** – бу инсоннинг шахс сифатида ривожланиши учун зарур бўлган ўзгалар билан мулоқот қилишни, одамлар орасида машҳур бўлишни, бошқа одамлар устидан ҳукмронлик қилишни, маълум бир гуруҳга аъзо бўлишни, унда етакчиликни қўлга киритиб, одамларни бошқаришни таъминлашга қаратилган фаолият юритиш турларининг мажмуаси ҳисобланади.

3. **Маънавий эҳтиёж** – бу шахс-индивиднинг нормал тарзда ривожланиши орқали инсонийлашиб бориши учун зарур бўлган атрофини қуршаб турган турфа оламнинг мазмун-моҳиятини билишни, ўзлигини ва ўзини ўзи англашни, ўзини ўзи ривожлантира олишни, ўзининг қадри-қийматини баҳолаш олишни таъминлашга қаратилган фаолият юритиш тури бўлиб, у билим олиш, ижодий фаолият юритиш, гўзалликни яратиш кабиларга бўлган эҳтиёж турларини ўзида ифодалаши билан бошқалардан ажралиб туради.

Манфаат ва эҳтиёжларни жамиятнинг ижтимоий тузилишига қараб бир неча турларга ажратар эканмиз, улар ичида миллий манфаат масаласи алоҳида ўрин тутди. Чунки, бирон бир миллатга мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ, бирлашма, ташкилот, уларнинг ҳуқуқий бирлигини ўзида ифодаловчи миллий давлатчилик бор экан, миллий манфаат ҳам ўзининг онтологик ва гносеологик табиатида эга бўлган инсонлар, жамоалар, давлатларнинг фаолиятлар тизими сифатида мавжуд бўлади.

Ўзбек халқининг «миллий тикланишдан – миллий юксалиш»га ўтиш давридаги миллий манфаатлари нималарда ўз аксини топади, деган саволга жавоб топиш энг долзарб масалалар қаторига кирилади. Бу хусусда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев: **”Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз.** Биз бугун қандай ислохотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойиҳаларни амалга ошираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси ягона, улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, мана шу меҳнатқаш, заҳматқаш, олижаноб халқимизни рози қилиш, ҳаётнинг барча синовларини матонат билан енгиб яшаётган ватандошларимизнинг ишончини оқлаш, оғирини енгил қилишдан иборатдир”¹⁵, – деган эди. Ана шу билдирилган фикрларнинг рационал маъзидан келиб чиққан ҳолда “миллий манфаат” ва “миллий эҳтиёж” тушунчаларининг онтологик табиати ва гносеологик хусусиятларини очиқ бериш зарурияти пайдо бўлади.

Бугунги кунда “Миллий манфаат” тушунчасини ижтимоий-фалсафий категория сифатида таърифлаш ва тавсифлаш масаласида бирон бир қатъий маҳражга келинган эмас. Масалан, Ф.Р.Абдурахмонов: ”Миллий ва умуммиллий манфаатлар ўзаро биргаликда бўлиб, бу манфаатларнинг қондирилиши миллий онг ва миллий фаоллик даражасига боғлиқ. Миллий онг юксалиб борсагина воқеликни, хусусан миллий манфаатни тўлиқ ва ҳар томонлама англаб олиш мумкин”¹⁶, К.Аҳмедов: ”«Миллий манфаатлар» айни миллатнинг (эстатик ёндашув нуқтаи-назардан) ягона тарихий- маданий ва сиёсий жамоа сифатида ўзлигини сақлаб қолиш, кенг қарор топтириш, миллий қадриятларни ва давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, жамият ва шахснинг мустаҳкам ривожини сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан таъминлаш борасидаги онгли мақсад ва талаблардан иборатдир”, Б.Очилова:” Миллий манфаат - муайян халқ таркибини ташкил этувчи барча миллатларнинг сиёсий, ижтимоий-

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ.// Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан –миллий юксалиш сари. 4-жилд. - Тошкент:”Ўзбекистон” НМИУ,2020.- Б.348.

¹⁶ Абдурахмонов Ф.Р. Проблемм национальнх интерес в условиях независимости Респубике Узбекистан. Диссерт.док.философ. наук. -Ташкнт: 1995. -С. 18-19.

иктисодий, маданий-маънавий мақсадларини ифодаловчи ва конкрет тарихий шароитда ўзини намоён этувчи ижтимоий мақсад, муддао, интилиш мажмуидир”¹⁷, “Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати”да эса: ” Миллий манфаат - миллат, халқ ҳаётини белгилайдиган, унинг фаолиятини маълум мақсадларга йўналтирадиган ижтимоий муносабатлар, миллий эҳтиёжлар, тафаккур даражаси, маънавий салоҳият, руҳият, анъана ва қадриятлар тизимидир”¹⁸, А.Мухторов:”Миллий манфаат - жамиятда яшаётган кишиларнинг ўз-ўзларини муайян миллатга мансуб деб билган ҳолда бошқа миллатлар билан баҳамжиҳат ўз миллий тараққиёти, урф-одати, анъаналарига садоқатни қарор топтириш, ўз миллий ва диний эътиқодларини қадрлаш, миллий давлатчилик тараққиётини таъминлаш, миллий ғоянинг ҳаётбахш тамойиллари асосида миллий ғурур, миллатларо тотувлик ғояларини такомиллаштириш асосида ўзлигини англаш учун олиб бориладиган кишиларнинг саъй-ҳаракатлари мажмуидир”¹⁹, - деган таъриф ва тавсифлар берилган.

Биз олимлар томонидан берилган таърифларни камситмаган ҳолда, уларнинг рационал мағзини методологик асос сифатида қабул қиламиз.

Энди бу масалага диққат билан қарайдиган бўлсак "миллий манфаатлар" атамасини кўпинча икки жиҳатдан: биринчидан, ҳар бир миллат ёки миллий давлатларнинг халқаро майдонда ўз манфаатларини ҳимоя қилиши борасидаги қиёфасининг ифодаси эканлигини; иккинчидан эса ҳар бир миллат ёки миллий давлатларнинг миллий манфаатларининг аҳволини ички ва ташқи сиёсат майдонида таҳлил қилиш усули сифатида тушушнинг мавжудлигини кўрамиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки:

1. Миллий манфаатлар, бирон бир миллатнинг эмас, балки демократик ҳуқуқий давлатда яшаётган миллати, дини, тили, ирқи, жинсидан қатъий назар халқларнинг умуминсоний ва миллий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган муштарак манфаатлари тизимидир.

2. Миллий манфаатларнинг онтологик табиати, ўзларининг эҳтиёж ва манфаатларини қондириш учун саъи-ҳаракатлар қилаётган, шахслар, ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, давлатларнинг объектив воқеликда мавжудлиги билан тавсифланади.

3. Миллий манфаатларнинг гносеологик хусусиятлари эса шахслар, ижтимоий гуруҳлар, жамоаларнинг ўз эҳтиёж ва манфаатларини онгли тарзда, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини билиш орқали бирон бир мақсадни кўзлаб, ғоявий-мафкуравий эътиқод билан бажаришга қаратилган фаолиятларининг тизими эканлиги билан характерланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Огоҳлик ва хушёрлик тамойиллари.– Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи,2008. – Б.12.(456 б.
2. Хайдаров Х.Ф. Ислохотлар қонунияти. – Т.: Ўзбекистон,2010. – Б.49.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.П.– Т.:” Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,2006. – Б.540.(672 б.)
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.П.– Т.:” Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.540.(672 б.)
5. Леонтьев Д. А. Новые ориентиры понимания личности в психологии: от необходимого к возможному // Вопросы психологии, 2011, № 1. — С. 24;
6. ¹Абдурахмонов Ф.Р. Проблемм национальньгх интересв в условиях независимости Республице Узбекистан. Диссерт.док.философ. наук. -Ташкнт: 1995. -С. 18-19.
7. Очилова Б. Шахс маънавий ҳаётида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. -Тошкент: Ўзбекистон, 2004. -Б. 103-104.
8. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. -Тошкент: Академия, 2007. - Б.216.
9. Мухторов Азамат. Миллий ғоя такомиллида эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги.Фалсафа фанлари доктори... дисс.Автореф. – Тошкент,2011. – Б.17..

¹⁷ Очилова Б. Шахс маънавий ҳаётида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. -Тошкент: Ўзбекистон, 2004. -Б. 103-104.

¹⁸ Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. -Тошкент: Академия, 2007. - Б.216.

¹⁹ Мухторов Азамат. Миллий ғоя такомиллида эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги.Фалсафа фанлари доктори... дисс.Автореф. – Тошкент,2011. – Б.17..

